

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Олмалиқ шаҳрида вилоят ички ишлар бошқармаси ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг тантанали қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Эътибор

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, турли вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари масъул ходимлари, профилактика инспекторларининг оила аъзолари, ёшлар иштирок этди.

Тадбирда тизим фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани, маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга қарши курашиш, уларнинг олдини олишда ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторлари жонбозлик кўрсатаётгани таъкидланди.

Айтиш жоиз, соҳа ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор Фармон ва қарорлари асосан ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, профилактика инспекторлари давлатимиз раҳбарининг шу йил 20 апрелда имзоланган "Ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инс-

ЭЛГА ХИЗМАТ, БУРЧГА САДОҚАТ АҲДИ



пекторларини хизмат уй-жойи билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига биноан тураржойлар билан таъминланаётди.

Тадбирда вилоятимиз шаҳар ва туманларида элу юртимизга садоқат билан хизмат қилаётган 160 нафар профилактика инспекторига хизмат уйи ҳамда имтиёзли кредит асосида ажратилган шахсий автома-

шина қалити тантанали равишда топширилди. Ана шундай ғамхўрликдан баҳраманд бўлганлар орасида Ангрен шаҳар ИИБ ХПБ ТП профилактика катта инспектори, майор Умид Турғунбоев ҳам бор.

Фаолиятимизни янада яхшилаш учун давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай алоҳида эътибор ва ғамхўрлик ишга бўлган меҳримизни янада оширади, шунинг бароба-

рида катта масъулият юклайди, дейди У. Турғунбоев. — Менга берилган хизмат уйида ҳам барча шарт-шароитлар яратилгани, у иш олиб борадиган ҳудудимизда жойлашгани, янги машина имтиёзли кредит асосида тақдим этилгани ҳар жиҳатдан қўлайлик яратмоқда. Бундай ишларга бошқош бўлаётган давлатимиз раҳбаридан беҳад миннатдоримиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О. Муродов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси ўринбосари С. Ортикова, Ички ишлар вазири П. Бобожонов, вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Ф. Ибрагимов ва бошқалар қатнашди.

Ўз мухбиримиз.
Мансур ҲИММАТОВ
олган сурат.

Қомусимиз — бахтимиз

Инсон ҳуқуқлари — жамиятнинг энг олий қадрияти ҳисобланиб, бу Конституциянинг асосий пойдеворидир. Бинобарин, инсон ҳуқуқлари демократик давлатнинг муҳим белгиларидан бири бўлиб, у мамлакатнинг қай даражада тараққий этганини кўрсатувчи мезон сифатида намоён бўлади. Шу боис, Ўзбекистон ўз мустақиллигининг илк кунлариданоқ инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, фуқароларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама муҳофаза этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Хусусан, мустақиллик йилларида илк ратификация қилинган халқаро ҳужжатлардан бири бу "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси"дир.



ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Таъкидлаш жоиз, Бош қомусимизни тайёрлаш ва қабул қилишда ушбу умуминсоний олий қадрият асос қилиб олинди. Шунинг учун ҳам Конституциямиз халқаро ҳам-жамият томонидан умумбашарий инсонпарварлик ва демократик мезонларга тўла жавоб берадиган ҳужжат сифатида яқдиллик билан эътироф этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, қонун олдида барчанинг тенглиги, инсон ислохот учун эмас, балки ислохот инсон учун хизмат қилиши, кучли ижтимоий муҳофаза сиёсатини юритиб, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш каби қатор муҳим гуманистик тамойиллар Конституциямизда белгилаб қўйилган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Қомусимизнинг асосий тамойили бўлиб, унинг иккинчи бўлими айнан шу муҳим масалага бағишланган. Унда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари алоҳида моддаларда баён қилинган. Айтиш жоиз, тегишли тартибда қабул қилинган Кодекс ва Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорларида инсон ҳуқуқлари масаласи ўзининг чуқур ифодасини топган ва топпоқда.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини амалга ошириш мақсадида қисқа давр ичида бу масалалар билан шуғулланувчи миллий инс-

титутлар ташкил этилди. Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари ҳамда Бош прокуратурадаги инсон ҳуқуқлари бўйича махсус бўлинмалар шулар жумласидандир.

Юртимизда амалга оширилаётган ва каби ислохотлар ўз самарасини бераётганини нафақат халқимиз, балки бутун дунё ҳамжамияти тан олаётди. Хусусан, БМТ томонидан ўтказилаётган таҳлилларга кўра, мамлакатимиз охириги йиллар мобайнида МДҲ ҳамда Марказий Осиё давлатлари орасида энг бахтли фуқаролар яшаётган давлат деб эътироф этилиши ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларимизга берилган юксак баҳодир.

Албатта, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг туб моҳиятида юртимиз фуқаролари учун фаровон ва муносиб турмуш шароитларини яратиш мақсади ётибди. Бунга мустаҳкам пойдевор бўлиб, шубҳасиз, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолати бўлмиш Конституциямиз хизмат қилмоқда.

Н. АҚБАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Нурафшон шаҳрида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари раҳбарлари, кун тартибига алоқадор ташкилот ва бошқармалар бошлиқлари, туман ва ша-

ҳарлардаги секторлар раҳбарлари, вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари мутасаддилари, шунингдек, жамоат муассасалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Сессияни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Б. Қосимов олиб борди.



Йиғилиш иштирокчилари кун тартибига мувофиқ, вилоятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳафсизлигини таъминлаш борасида ҳудудий секторларнинг иш самарадорлигини ошириш масаласини атрофлича кўриб чиқдилар.

Мазкур масала юзасидан вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Ф. Ибрагимовнинг ҳисоботи тингланди. Унда қайд этилганидек, бугун Президен-

тимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида юртимизда ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш вазифаларига устувор аҳамият берилаяпти. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, жамоатчилик билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилаётди. Шунга қарамай, айна

пайтда ички ишлар идораларининг фаолият самарадорлигини ошириш, маҳаллий ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо этиб турибди. Негаки, бугун оддий одамларнинг ҳаёт тарзи, турмуши билан боғлиқ муаммоларга эскича фикр-таълим билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш бўлмайди.

Давоми 2-бетда.

Худудий секторлар фаолиятдан

Вилоятимиз ўзининг иқтисодий салоҳияти, табиий ресурслари билан мамлакатимиз тараққиётида ўзига хос ўрин тутди. Сўнгги беш йилни таҳлил қилар эканмиз, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 1,4 баробар, унда саноатнинг улуши 33 фоиздан ошганини кўриш мумкин.

ИСЛОХОТ, ИНТИЗОМ, ИМКОНИЯТ

Бундан ташқари, саноат маҳсулотлари 1,5 баробар, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 2,4 марта ўсган. Шунингдек, 12 минг етти юздан ортқ янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 23 минг 800 дан ошди. Соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 61 фоизга, экспорт таркибида эса қарийб 94 фоизга етди. Кейинги йилларда аҳоли даромади жон бошига 1,9 баробарга ўсгани эътиборга молик.

Бирок, бу ютуқлар билан фахрланиб, бема-лол бўлиш мумкин, дегани эмас, албатта. Ахир, жойларда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, ўз ечимини кутаётган масалалар талайгина.

Давлатимиз раҳбарининг "Худудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қароридан мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шарт-шароитлари яратиш назарда тутилган.

Шунингдек, давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ишини ташкил этиш белгилаб берилган. Аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш, коммунал ва йўл ҳўжалиги, энергия, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти, транспорт қатновидати муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асарларчиликни ривожлантириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш, вадга етмаганлар ўртасида профилактика тадбирлар ўтказиш, маҳаллалардаги долзарб муаммоларни

аниқлаб, уларни ўз вақтида бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бир сўз билан айтганда, ушбу ҳўжатнинг қабул қилиниши бу борада янги тизим жорий этилишига замин яратди. Эндиликда ҳокимликлар, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Уларга ўта муҳим ва масъулиятли вазифалар юклатилган.

Жойларда, хусусан, Пискентда юқорида номи зикр этилган қарор ижроси доирасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Туман ҳокимлигининг Иқтисодиёт ва ҳўдудни комплекс ривожлантириш бўлими бошлиғи Зафар Аллановнинг айтишича, "2017 йилда тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш наъний дастури"га кўра, 13 миллиард 612 миллион сўмлик 19 та лойиҳа амалга оширилади. Бунинг натижасида 147 та иш ўрни яратилади. Бугунча лойиҳанинг 6 таси ишга туширилиб, ўттиздан зиёд кишининг бандлиги таъминланди. Фаолияти тўхтаб қолган трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Техно-текс" МЧЖ июнь ойида қайта ишга туширилди. Маҳсулотининг 70 фоизини четга экспорт қилувчи "AZALIYA GARMENT" фаолиятини кенгайтириш мақсадида элликта тикув машинаси харид қилди. "Пискент сифат" МЧЖ олинган 1,5 миллиард сўм кредит эвазига 50 донга бўз тўқув ускуналарини ўрнатиб, 25 кишини ишли қилди. "Пискент Шарқ агро" фермер ҳўжалиғи эса йилига 850 тонна сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш қувватига эга 1 миллиард 200 миллион сўмлик технологияни Бельгиядан олиб келиб, йиғирмага яқин янги иш ўрни очди.

Давоми 2-бетда.

МАСЪУЛИЯТНИ УНУТИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

Жорий йилнинг 15 ноябрь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Президентимиз томонидан илгари сурилган жамият тараққиётига тўсқ бўлаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликларнинг олдини олиш ҳақидаги очик фикр-мулоҳазалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти. Йиғилишда таъкидланганидек, 2017 йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида ёшлар ва хотин-қизлар иштирок этган жиноятлар сони ошган.

Вилоят ҳокимлигида

Куни кеча вилоят ҳокимлигида ўтказилган давра суҳбатида шулар ҳақида сўз юритилди. Хотин-қизлар ва ёшлар ўртасидаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари хусусида ат-

рофлича фикр алмашилди. Унда шаҳар ва туманлар ҳокимлари ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар

раисларининг диний ва маърифий масалалар бўйича ўринбосарлари иштирок этди.

Халқимизда "аёллик, оналик шаъни" деган ибора бежиз қўлланилмайди, дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева. — Шунданми, хотин-қизлар ва ёшлар жинояти ҳақида сўз кетса, юракка оғриқ қиради. Вилоятимизда аёллар жинояти ҳамон учраётгани, кўпайгани ташвишли. Бунинг олдини олиш барчамизга катта масъулият юклайди.

Бугунги тадбиримизда бу борада жойларда кечиктирилмасдан амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ҳақида суҳбатлашиб, тегишли чора-тадбирлар режасини белгилаб олдик.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, аёлларимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бир қатор имконият ва имтиёзлар берилган. Шуларни қадрига етмай, жиноят қўчасига кирган хотин-қизларни қандай тушуниш мумкин?

Давоми 2-бетда.

2018 йил
учун
«Тошкент
ҳақиқати»
ва
«Ташкентская
правда»
газеталарига
обуна
давом
этомкада!

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йилнинг 15 ноябрь кунини ҳудди шу мавзуда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидан келиб чиқадиган вазифалар, унда тилга олинган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан ишлар чиқилган чора-тадбирлар дастури қизгин муҳокама қилинди. Масала юзасидан сўзга чиққан вилоят прокурори У. Суннатов,



вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи С. Нишонбоев, вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи А. Файзибоев, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси С. Файзилова, шунингдек, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, ёшлар иттифоқи вилоят кенгашлари раисларининг ахборотлари тингланди.

Кайд этилганидек, жойларда мол-мулкка тажовуз, қасддан тан жароҳати етказиш ҳолатлари, айниқса, аёллар, вояга етмаганлар ўртасида кўпайиб жиноятлар учрамоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан кенг жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорлик талаб даражасида эмас. Одамларда жиноят аломатларига нисбатан лоқайдлик, бепарволик каби иллатлар, афсуски, ҳали-ҳануз мавжуд.

Сессияда депутатлар вилоят маҳаллий бюджетининг 9 ойлик ижроси, янгидан ташкил этилган Тошкент тумани, Нурафшон, Охангарон ва Янгийўл шаҳарларининг маҳаллий бюджет, солиқ ва бюджет сийёсатининг асосий йўналишлари, вилоятда кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ташкил этиш ва улар фаолиятини такомиллаштириш, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги бўшаб қолган депутатлик ўринлари учун 7 та округ бўйича ўтказилган сайлов натижалари ва сайланган депутатлар ваколатини эътироф этиш ҳамда бўшаб қолган ўринларга депутатлик сайловини ўтказиш, вилоят Кенгаши ҳузуридаги доимий комиссиялар таркибига ўзгартириш киритиш каби жами ўн та масалани кўриб чиқди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан депутатлар, тегишли бошқарма ва идоралар раҳбарларининг фикр ва мулоҳазалари тингланди.

Шунингдек, депутатлар вилоят ҳокимининг ташкилий масалаларга доир бир қатор қарорларини ҳам тасдиқладилар.

Сессияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ишлар ҳам жадал суръатларда давом этмоқда. Аграр тармоқ

ни туфайли 11 киши ишли бўлди.

Бу ерда ички йўлларни таъмирлаш бўйича ҳам анча ишлар амалга оши-

бўлади, — дейди уй олишга навбатга ёзилган Сурмахон Холтўраева. — Худо хоҳласа, бизга ҳам ана шундай бахт-насиб эта-

ди. Юртимизда халқнинг тинч ва фаровон яшаш учун олиб борилаётган ишларни кўриб, қувонасан киши.

Йўл-йўлакай тумандаги кўп қаватли уйларида кузги мавсумига тайёргарлик қай аҳволда экани билан қизикдик. Бу ерда 34

та кўп қаватли уй бўлиб, уларга 3 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатар экан.

— Қиш мавсумига тайёргарлик ишлари доира-сида айни кунга 9 та кўп қаватли уйнинг томи ёпилди, — дейди туман ҳокимлиги вакили Жаҳонгир Ёкубов. — Бу борадаги қолган ишларни ҳам яқинда етказиш чоралари кўриломоқда.

Айтиш кераки, туманда секторлар фаолияти тизимли ишларни амалга ошираётган. Худудларга бириктирилган вакиллар уйма-уй юриб, аҳоли билан мулоқот ўрнатиб, мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларни ҳал этишга жиддий эътибор қаратмоқда. Бунга эришмоқда ҳам. Бир сўз билан айтганда, Пискентда юзга келган муаммоларни бартараф этиш, худудларни ободонлаштириш, аҳолига қулайлик яратишга қаратилган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ирода НОРБОНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

ИСЛОҲОТ, ИНТИЗОМ, ИМКОНИЯТ


бўйича 858 миллион сўмлик 9 та лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилади. "Равшанжон Голд Агро", "Обод турмуш" фермер хўжалиқларига четдан зотли қора-моллар олиб келиш, "Ашуров Вали" деҳқон хўжалигида интенсив боғ яратиш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Туманда қиш-баҳор мавсумига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захира-сини яратишга ҳам алоҳида эътибор берилди. Умумий ҳажми бир минг саккиз юз тоннадан кўпроқ картошка, пиёз, сабзи ва гуруч жамғарилди. Хизмат кўрсатиш соҳасида 1 миллиард 322 миллион сўмлик 5 та лойиҳа ишга туширилга-

рилди. "Майлобод", "Холикберди", "Лолаарик", "Саидобод", "Тараққиёт", "Файзобод" маҳалла фуқаролар йиғинлари худудидagi бир қатор кўчаларга шағал ва асфальт ётқизилди.

Пискентда бўлиб, "Бирлик" маҳалла фуқаролар йиғини худудида қурилиш ишлари олиб борилаётганига гувоҳ бўлдик. Бу аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш мақсадида қурилаётган янги — намунавий уйлар экан. Айтишларича, ишни "Охангарон Бунёдкор" МЧЖ зиммасига олган. 2 сотих-ли, 2 ва 3 хонадан иборат бу уйларда ишнинг 90 фоизи бажарилибди. Ҳадемай, улар фойдаланишга топширилади.

— Бошида бошпанаси бор одамнинг ҳаловати



Бошланғич 1-бета.

ОЙДА 10 КИТОБ — ЙИЛДА 100 КИТОБ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, тегишли йўналишлар бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳамда талаба-ёшлар маънавиятини, тафаккурини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маърифий кеча

Ўтган икки ой мобайнида Чирчиқдаги мазкур олий таълим муассасасида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирлар айни шу мақсадга қаратилди. Кун кеча институтда ташкил этилган тадбир ушбу анжуманлар галибларини тақдирлашга бағишланди.

Унда ўқитувчи ва талабалар, бир қанча нуфузли олий таълим даргоҳлари профессорлари, вилоятимиздаги таълим муассасалари, жамоат бирлашмалари, ишлаб чиқариш корхо-

налари вакиллари иштирок этди. Сўз олганлар юртимиз таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар, айниқса, педагог кадрлар тайёрлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, институт ректори, профессор Фафуржон Мухамедов талабаларни нафақат жисмонан, балки маънан ётуқ, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш долзарб вазифалардан бири эканини, бунда маънавий-маърифий тадбирларнинг

ўрни бекиёслигини қайд этди.

Тадбир доирасида иқтидорли ва зукко талабалар ўртасида ўтказилган "Заковат" интеллектуал ўйини галиблари ҳам рағбатлантирилди. Уларга Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Мар-

казий кенгаши раиси Сарвар Отамуродов эсдалик совғаларини топширди.

Шунингдек, "Бир ойда 10 китоб — бир йилда 100 китоб" билан дўстлашдим" лойиҳасининг ноябрь ойи босқичида факультетлараро галиб бўлган жамоалар-



га Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгашининг эсдалик совғалари тақдим этилди. Ўттиз тўрт нафар фаол ва ташаббускор талабанинг ота-онаси ҳамда улар яшайдиган маҳалла фуқаролар йиғини раисларига институт ректорининг миннатдорчилик хати берилди.

Ирода МАҚСУДОВА,
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

Партиялар ҳаётидан БИЛИМДОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан "Адолат билимдони" кўрик-танлови ўтказилди.

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимини ошириш, мустақил фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш мақсадида анъанавий ўтказиб келинаётган "Ватан келажаги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида ташкил этилган мазкур танловнинг қуйи босқичларида юз нафардан ортиқ ўқувчи иштирок этди.

Танловнинг якуний босқичида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг 15 нафар ўқувчиси давлатимиз Бош қомуси, Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги ва бошқа Қонунлари, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси оид билимларини синовдан ўтказди.

— Сиёсий ва ҳуқуқий билимларимизни намоиш этиш имконини берган танловда галиб чиққанлардан хурсандман, — дейди Ўрта Чирчиқ ахборот технологиялари ва сервис касб-хунар коллежи ўқувчиси Г. Султонхонова. — Энди мамлакат босқичида ҳам муносиб иштирок этишга ҳаракат қиламан.

Танловнинг фаол иштирокчилари рағбатлантирилди.

Ўз мухбиримиз.

КУН ТАРТИБИДА ГАЗ ТАЪМИНОТИ

Янгийўл туманида ташкил этилган тадбир маҳаллий бюджет маблағларидан фойдаланиш бўйича амалга оширилган ишлар ва газ таъминоти тизимида бозор механизмларини кенг жорий этиш масалаларига бағишланди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, ушбу сиёсий куч фаоллари, молия, газ таъминоти корхоналари ходимлари иштирок этди.

Сўзга қўйилган давлат маблағларининг қонуний, мақсадли ҳамда самарали сарфланишини тартибга солиш, худудлар ва тармоқлар ривожига йўналтирилишини таъминлаш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг газ таъминоти тизимига бозор механизмларини жорий этишни янада такомиллаштиришга оид қарори ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Жойларда истеъмолчиларга етказиб берилган табиий газдан дебитор қарздорлиқни камайтириш мақсадида аҳоли ва улгуржи истеъмолчилардан қарздорлиқни тегишли тартибда ундириш бўйича туман прокуратураси ҳузуридаги Махбурий ижро бюроси томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли вазифалар белгиланди.

Ўз мухбиримиз.

Пайшанба — жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика кунини

ЛОҚАЙДЛИКНИНГ ЛОЙҚАСИ

Жиноят — аҳоли тинчлигини бузадиган, давлат ва жамият обрўсига путур етказадиган иллатдир. Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган салмоқли ишлар ўз самараларини бермоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўн ойида ўтган йилнинг ўн даврига нисбатан жиноят содир этиш ҳолатлари сезиларли даражада камайишига эришилди. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик институтлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган кенг қўламли профилактика тадбирлар туфайли бир қанча маҳалаларда бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

Гарчи бу кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгараётган бўлса-да, жиноятчиликка қарши курашда хотиржамликка берилиш, "қўл қовуштириб ўтириш" асло ярамайди. Қўлаверса, хали ҳамон жиноят кўчасида изги юрганлар биролиги ҳеч кимга сир эмас. Энг ачинарлиси, катта ҳаёт оstonасида турган ёшлар билиб-билмай жиноятга қўл урмоқ-

да. Уларнинг сафи кенгайиб бораётгани ташвишлидир.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида ёшларнинг 22 минг 282 нафари жиноят содир этган. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари томонидан 875 та, мактаб ўқувчилари иштирокида 310 та оғир ва ўта оғир жиноят юз берди.

Мисол учун, Бўстонлиқ туманида яшовчи З. М. уйдан тўрт миллион юз минг сўм пул ва умумий нархи тахминан бир миллион беш юз минг сўм бўлган заргарлик буюмлари ўғирлангани ҳақида ички ишлар бўлимига арыз қилади. Тезкор чора-тадбирлар натижасида шу туманда яшовчи 8-синф ўқувчиси С. Ў. ушбу жиноятни содир этгани аниқланди.

Тошкент туманида яшовчи 17 ёшли Т. А. ҳеч қаерда иш-ламасдан осон пул топиш

илинжида "Фишкўприк" маҳалласидаги ҳовлилардан бирига девор олиб тушди ва "Нексия" русумли автоуловнинг ойнасини синдириб, эшигини очаётганда уй эгалари томонидан ушланди.

Чирчиқ техника касб-хунар коллежининг 16 ёшли икки ўқувчиси ўзини билим олиш, касб эгаллаш бўйича кўрсатмаласдан, муштумзўрлигини кўз-кўз қилди. Жанжал оқибатида М. А. ўз тенгқуши Ш. С. саломатлигига салбий таъсир қилган тан жароҳати етказди.

Бўқа туманида юз берган воқеа эса эшитганларни ҳайратга солди. Ушбу туман фуқароси Н. Х. уйда ўз синглиси Р. Х. билан жанжаллашиб, унинг қорнига ошхона пичоғини санчди. Жабрланувчи шилар бўлимига арыз қилади. Тезкор чора-тадбирлар натижасида шу туманда яшовчи 8-синф ўқувчиси С. Ў. ушбу жиноятни содир этгани аниқланди.

Тошкент туманида яшовчи 17 ёшли Т. А. ҳеч қаерда иш-ламасдан осон пул топиш

манларида профилактика ишларида жамоатчилик назорати, ижтимоий ҳамкорлиқни кучайтириш зарурлиги айтиб ўтилди.

Маълумотларга кўра, Паркент туманида йил давомида содир этилган аёллар жиноятининг асосий қисми ишламайдиган хотин-қизлар ҳиссасига тўғри келади. Уларнинг уч нафари пенсия ёшидаги уй бекаларидир. Бундай ҳолатлар бошқа шаҳар ва туманларимизда ҳам учраб турибди.

Йиғилишда вилоятимиздаги маҳаллаларда "Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак", деган ғоя асо-

сида иш олиб бориш, хотин-қизлар қўмиталари оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни атрофича ўрганиши, аниқланган камчилик ва муаммоларни сектор раҳбарлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан жойида ҳал этилишига эришиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, хотин-қизлар қўмитаси қошида ташкил этилган "Аёллар маслаҳат маркази", "Қайноналар кенгаши" фаолиятини янада жонлантириш, "Қизларжон" клуби фаолиятини йўлга қўйиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

МАСЪУЛИЯТНИ УНУТИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

Тадбирда вилоятимиз маҳаллаларида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил этилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар раисларининг диний ва маърифий масалалар бўйича ўринбосарларининг ўн ойлик ҳисоботлари тингланди. Бу борада айрим шаҳар, туман мутасаддиларининг масъулияти сезилмаётгани кескин танқид остига олинди. Паркент, Янгийўл, Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ту-

Бошланғич 1-бета.

ХАЛҚ ИШОНЧИ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Суд-ҳуқуқ тизимида изчил амалга оширилаётган ислохотлар инсон ҳуқуқи ва қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, аиниқса, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилгани билан эътиборлидир.

□ Ҳуқуқ ва бурч

Мазкур соҳани янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини қозониш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонининг қабул қилиниши тизим раънақида янги босқични бошлаб берди.

Ушбу ҳужжатга асосан учта устувор йўналиш белгиланди. Улар — суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини

ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, одил судловга эришиш даражасини оширишдир.

Шунингдек, ривожланган демократик давлатларнинг илғор тажрибаси ҳамда амалдаги ҳалқаро стандартларга мувофиқ, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, касбий нуфузини ошириш, юқори маънавияти ва самарали фаолият юритувчи суд корпусини шакллантириш мақсадида илк бор судьялик лавозимига биринчи марта беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз тайинлаш (сайлаш) тарзидаги тартиб жорий этилди.

Бундан ташқари, жинс содир этишда гуноҳ қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга ҳамда қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чоралари қўллашнинг,

шунингдек, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг энг қўп муддатлари 1 йилдан 7 ойга қисқартирилди.

Айтиш керакки, муҳим янгилик — суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институтининг бекор қилиниши судларнинг жиноят процессидаги роли ва судлов сифатини ошириш, жиноят иши бўйича яқуний қарор қабул қилиш муддатларини асосиз кечиктирилишининг олдини олишга қаратилгандир.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида зикр этилган Фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширилиши мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ тизимини фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётди.

Қ. ПАЙЗУЛЛАЕВ,
Юристар малакасини ошириш маркази тингловчиси.

□ Давлат сиёсати — амалда

Тошкент давлат аграр университетидида "Аниқ мақсадли йўналишларда кадрлар тайёрлаш — давр талаби" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

ТАШРИФ ВА ТАКЛИФ



Тадбирда вилоят ҳокимлиги, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари, битирувчи талаба ва ўқувчилар иштирок этди.

Унда сўзга чиққанлар қатнашчиларни коллеж ва олий таълим муассасалари битирувчиларини, шунингдек, ишга жойлаштириш истагидаги фуқароларни иш билан таъминлаш мақсадида олиб борилаётган режали ишлар билан таништирди. Хусусан, тўқимачилик, машинасозлик ва металл-қайта ишлаш, энергетика, қурилиш, транспорт, ахборот-коммуникация, кишлоқ хўжалиги, молия, савдо-сотиқ, уй-жой коммунал хўжалиги каби қатор соҳалардаги мавжуд бўш ўринлари ҳақида маълумот берилди.

Шунингдек, "Уста — шогирд" анъанаси асосида миллий хунардончилигимизнинг гилам тўқиш, ганчкорлик, тери, ёғоч ва темирдан маҳсулотлар тайёрлаш, қандолатчилик каби йўналишлари сир-асорларини ўрганаётган ёшлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши таъкидланди.

С. ИКРОМОВА,

Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

□ Мутахассис тавсия этади

Бугун кишлоқ хўжалигида агротехник тадбирларни қудратли техника воситалари, демакки, зарур ёқилғи-мойлаш материаллари таъминотисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Вилоятдаги минг-минг гектарлаб майдонда кузги шудгорлаш жадал давом этаётган айна бир паллада бундай ресурсларга талаб ва эҳтиёж кескин ошди. Бу эса, ўз навбатида, соҳа вакилларида давлатимиз иқтисодий салоҳиятининг мезонлари бўлган энергия ресурсларини тежаш, улардан мақсадли фойдаланиш, бу бебаҳо неъматларни келажақ авлодларга ҳам етказишдек олижаноб масъулиятни янада теранроқ ҳис этишни тақозо этади.

Аслида, нефть маҳсулотлари-

ни қабул қилиш, сақлаш, тарқатиш ва ҳисоб-хўжалик бўйича тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар борки, бунга таъминотчи корхоналардан тортиб, фермер хўжаликлари мутасаддиларига-ча қатъий амал қилишлари зарур. Масалан, нефть маҳсулотларини тарқатиш варақаларини тўғри расмийлаштириш, техникалар томонидан қуниқ ба-жарилаётган ишларни меъёрий талаблар асосида назоратга олиш, "йўл варақалари" ва бошқа бирламчи ҳужжатларни мунтазам тўлдириб бориш, фойдаланилаётган техника во-

ситаларининг созлогига эътибор қаратиш муҳимдир.

Оддий мисол. Бир фермер хўжалиги йиллик сарф этилаётган ёқилғи-мойлаш ашёларининг атиги 1 фоизини иқтисод қилишга эришса, республика бўйича ўн минглаб шундай хўжаликлар ҳисобига бу миқдор катта-катта рақамларни ташкил этади. Ваҳоланки, таҳлилларга кўра, ҳар бир хўжаликда амалдаги сарф-харажатларни бемаъл камидан 10-15 фоизгача қисқартириш имкони бор.

Айни пайтда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўздавнефтьгазинспекция" ва унинг ҳудудий бўлимлари жамоалари аҳоли

фаровонлиги учун қўндалик зарур бўлган табиий бойликларимизнинг беҳуда исроф қилиниши, талон-торожчиликларга йўл қўйилиши устидан мунтазам назорат олиб бораётти. Хусусан, ёқилғи тарқатиш шабоҳалари раҳбарлари ҳамда фермер хўжаликлари вакиллари иштирокида ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, технологик жиҳатдан тўғри тасарруф этиш ва тежаш мавзуларига доир амалий семинарлар ташкил этилаётти.

Жаҳонгир БОЙБОВ,
"Ўздавнефтьгазинспекция" вилоят ҳудудий бўлими бош технологи.

Ижтимоий эълон

"9 декабрь - Халқаро коррупцияга қарши курашиш кунин" муносабати билан "Ўздавнефтьгазинспекция" Тошкент вилояти ҳудудий бўлими томонидан 1 декабрда инспекциянинг ваколати доирасига кирувчи барча саволлар ва мурожаатлар юзасидан **"Очиқ эшиклар кунин"** ўтказилади. Вилоятимиз аҳолиси ва тадбиркорларни ушбу тадбирга таклиф этамиз.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 32-А уй. Мурожаат учун телефон: 267-29-31.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2017 йил 27 декабрь соат 9.00 да очик тендер ўтказилади.

1. ШИ-2 й.т. "УМК бозори - Киров кўрғони, 16-сонли мактаб" (Бекобод ш.)
2. ВХ-606 й.т. "ЗАФАР АЧСБ - Бекобод "Ўзбекистон" ф/у орқали"
3. ВХ-303 "Ангрен шаҳар деҳқон бозори - Оҳангарон АШБ"
4. ВХ-340 "Ангрен деҳқон бозори - Олмалик АШБ"
5. ВХ-311 "Ангрен деҳқон бозори - Эйвалек - Бўка АШБ"
6. ВХ-481 й.т. "Ғишт заводи - "Чорсу" метро АШБ"
7. ШИ-3 й.т. "4-кичик ноҳия - Марказий бозор - "Кўрғон" маҳалла - 4-кичик ноҳия" (Оҳангарон ш.)
8. ШИ-7 й.т. "УМК бозори - "Тўғон" божхона пости" (Бекобод ш.)
9. ВХ-524 й.т. "Чирчиқ АББ - Қибрай АШБ"
10. ВХ-260 й.т. "Янгийўл АШБ - "Беруний" ф/у (Нурбой ота)"
11. ВХ-284 й.т. "Уяли кишлоғи - Янгийўл"
12. ВХ-533 й.т. "Чирчиқ АББ - "Уч қаҳрамон" савдо мажмуаси"
13. Битта пакет билан: ШИ-20 й.т. "Кимёгар шаҳарчаси - Гагарин кўчаси" (Олмалик ш.)
14. ШИ-21 й.т. "Тиббиёт коллежи - Ойдин - Марказий бозор - "Қалмоққир" станцияси" (Олмалик ш.)

14. ВХ-344 "Оққўрғон АШБ - Қўйлик АШБ (Олимпик орқали)"
15. ВХ-350 "Оққўрғон АШБ - Тошкент (Жанубий вокзал АШБ)"
16. ВХ-367 "Янгийўл АШБ - "А. Яссавий" ф/у"
17. ВХ-440 й.т. "Тўйтепа АББ - Олимпик кўрғони"
18. ШИ-15 й.т. "Қорабоғ" маҳалласи - "Янги жигаристон" маҳалласи" (Ангрен ш.)
19. ВХ-464 й.т. "Боғзор кўрғони - Ширин АШБ"
20. ВХ-593 "ТошГРЭС - Чилонзор буюм бозори"
21. ВХ-299 й.т. "Дўстобод АШБ - Тошкент (Жанубий вокзал АШБ)"
22. ВХ-308 й.т. "Янгийўл темир йўл вокзали - "Отажонов" ф/у"
23. ВХ-309 й.т. "Оққўрғон АШБ - Янгийўл деҳқон бозори"
24. ВХ-466 й.т. "Абдурахмонов ф/у - Чорсу бозори - Беруний АШБ"
25. ВХ-575 й.т. "Чиноз - Тошкент (Жанубий вокзал АШБ)"
26. ВХ-613 "Мўминобод" маҳалласи - Оҳангарон АШБ"
27. ВХ-446 й.т. "Тошгўшт шаҳарчаси - Жанубий



- вокзал АШБ"
28. ВХ-305 й.т. "Гулбаҳор шаҳарчаси - Дам олиш уйи" (такрорий)
29. ВХ-573 "Меҳнат кишлоғи - Тараққиёт - "Х. Абдуллаев" метро бекати" (такрорий)
30. ВХ-612 "Ғишт кўприк" божхона пости - Келес шаҳарчаси" (Кенсой орқали) (такрорий)

қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Тошкент шоҳкўчаси, ижтимоий-иқтисодий коллежи биноси.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департа-

менти ҳисоб рақамига АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" Чилонзор бўлими, х/р: 20210000304661167001 (банк коди 00427, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га 296 минг 730 сўм миқдорида пул ўтказиб, 2017 йил 22 декабрь соат 17.00 гача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2017 йил 26 декабрь соат 17.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент шоҳкўчаси, 90-уй. Маълумот учун телефон: (+99870) 762-38-77.

«Ўзметкомбинат» АЖ қуйидаги:

1. Бекобод туманидаги паррандачилик ва чўчқачилик фермалари;
2. Бекобод туманидаги сўт-гўшт фермаси;
3. Бекобод туманидаги балиқчилик хўжалиги;
4. Зомин туманидаги интенсив боғ;
5. Жиззах вилояти, Янгийўл туманидаги қўйчилик хўжалиги;
6. Жиззах вилояти, Зарбдор туманидаги боғдорчилик ва сабзавотчилик хўжалиги;
7. Бекобод шаҳридаги "Баркамол авлод" болалар истироҳат боғи*;
8. Бекобод шаҳридаги сузиш ҳавзаси*;
9. Бўстонлиқ туманидаги "Металлург" пансионати*;
10. Бўстонлиқ туманидаги "Ёшлик" болалар соғломлаштириш оромгоҳи*;
11. Бекобод шаҳридаги "Ёшлар уйи" (тўйхона);
12. Бекобод шаҳридаги "Бахт уйи" (тўйхона);
13. Бекобод шаҳридаги теннис корти*;
14. Бекобод шаҳридаги марказий стадион*;
15. Бекобод шаҳридаги "Металлург" ва "Металл плаза" меҳмонхоналари*;
16. Бекобод шаҳридаги спорт комплекси*;
17. Бекобод туманидаги "Металлург" дам олиш зонаси*;
18. Бекобод шаҳридаги "Автобус такси саройи**";
19. Бекобод шаҳридаги "Donata Pharma" МЧЖ;
20. Бекобод шаҳридаги "Бекободгишт-инвест" МЧЖ;
21. Ва бошқа объектларни:

– ишончли бошқарув;

– биргаликда фойдаланиш;

– ижарага танлов асосида тақдим этишини

маълум қилади.

Таклифлар қуйидаги манзилга тақдим этилсин:

Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Сирдарё кўчаси, 1-уй.

"Ўзметкомбинат" АЖ.

Мурожаат учун телефон:

(0 370) 214-15-60.

Электрон манзил:

pr.3@uzbeksteel.uz

* - қисман ёки бўш майдон хоналар.

